*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, улардан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш, тиклаш, консервациялаш ва тугатишда хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдир.

**2-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида гидротехника иншоотлари хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**гидротехника иншоотлари** — тўғонлар (плотиналар), гидроэлектр станциялар бинолари, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотлари, тунеллар, каналлар, насос станциялари, сув омборлари қирғоқларини, дарёлар ва каналлар ўзанларининг қирғоқлари ва тубини тошқин ҳамда емирилишлардан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суюқ чиқиндилар сақланадиган жойларини ўраб турувчи иншоотлар (кўтармалар);

**фойдаланувчи ташкилот** — тасарруфида (балансида) гидротехника иншооти бўлган корхона, муассаса ва ташкилот;

**фавқулодда вазият** — муайян ҳудуддаги аварияга олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек, гидротехника иншоотининг аварияси натижасида вужудга келган бўлиб, одамлар қурбон бўлишига, одамлар соғлиғига ёки атроф табиий муҳитга зарар етказилишига, жиддий моддий талафотларга ва одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган вазият;

**гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги** — гидротехника иншоотларининг одамлар ҳаёти, соғлиғи ва қонуний манфаатларини, атроф табиий муҳит ва хўжалик объектларини муҳофаза қилишни таъминлаш имконини берувчи ҳолати;

**гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларацияси** — гидротехника иншоотининг хавфсизлиги асослаб бериладиган ҳужжат;

**гидротехника иншоотининг хавфсизлиги мезонлари** — гидротехника иншооти ҳолатининг ва ундан фойдаланиш шартларининг гидротехника иншооти аварияси хавфининг йўл қўйиладиган даражасига мувофиқ миқдор ва сифат кўрсаткичларининг чекланган қийматлари;

**гидротехника иншооти аварияси хавфининг йўл қўйиладиган даражаси** — гидротехника иншооти аварияси хавфининг норматив ҳужжатлар билан белгиланган қиймати.

**4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

давлат мулкида бўлган гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини, шунингдек, республика ва минтақавий энергетика тизимига кирувчи корхоналар гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлайди;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назоратини ташкил этади:

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорликни ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**5-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда қатнашадилар;

сув ресурсларидан фойдаланишда ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлайдилар;

гидротехника иншоотларини жойлаштириш тўғрисида, шунингдек, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолларда улардан фойдаланишни чеклаб қўйиш ҳақида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарорлар қабул қиладилар;

гидротехника иншоотларининг авариялари оқибатларини тугатишда қатнашадилар;

гидротехника иншоотларининг фавқулодда вазиятларни келтириб чиқариши мумкин бўлган авариялари хавфи борлиги тўғрисида аҳолини хабардор қиладилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

**6-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назорати**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли орган ҳисобланади, у:

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидалари ва мезонларини ишлаб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда гидротехника иншоотлари техник ҳолатининг пухталигини ва улар ишининг хавфсизлигини экспертизадан ўтказади;

гидротехника иншоотларини жойлаштириш, гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш топшириқларини, уларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини келишиб олишда, гидротехника иншоотларининг қурилиши сифатини назорат қилишда, уларни фойдаланишга қабул қилишда, шунингдек, гидротехника иншоотларидан фойдаланиш қоидаларини келишиб олишда қатнашади;

гидротехника иншоотларининг ҳолатини ҳамда улар ҳолатининг гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияларига мувофиқлигини текширишни ташкил этади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида кўрсатмалар беради, шунингдек, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги нормалари ва қоидалари қўпол равишда бузилган ҳолларда уларни қуриш ва фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уларни бекор қилиш ҳақида таклифлар киритади;

гидротехника иншоотлари ҳудудларидан, дарёлар ўзанлари ва тўғоннинг уларга туташ бўлган қуйи ҳамда юқори ҳудудларидан хўжалик фаолияти ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланишга (сувни муҳофаза қилиш зоналарида ер участкалари бериш бундан мустасно) розилик беради;

дарёларнинг ўзанларида ва тўғоннинг уларга туташ қуйи ва юқори ҳудудларида сув хўжалиги объектларидан фойдаланишни амалга оширувчи ёхуд хўжалик фаолияти ёки бошқа фаолият юритувчи ташкилотларнинг фаолиятини, агар бундай фаолият гидротехника иншоотларининг хавфсизлигига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, тақиқлайди ёки чеклаб қўяди;

гидротехника иншоотларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш устидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Махсус ваколатли органнинг гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмалари фойдаланувчи ташкилотлар ижро этиши учун мажбурийдир.

**7-модда. Гидротехника иншоотларининг кадастри**

Гидротехника иншоотлари Ўзбекистон Республикаси Гидротехника иншоотларининг кадастрига (бундан буён матнда Кадастр деб юритилади) киритилади.

Кадастрни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**8-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга қўйиладиган асосий талаблар**

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш қуйидаги асосий талабларга биноан амалга оширилади:

гидротехника иншоотлари хавфининг йўл қўйиладиган даражасини таъминлаш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияларини тақдим этиш;

гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни лицензиялаш;

гидротехника иншоотларидан фойдаланишнинг узлуксизлиги;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, уларнинг хавфсизлиги мезонларини белгилаш, гидротехника иншоотларининг ҳолатини доимий назорат қилиш мақсадида уларни техника воситалари билан жиҳозлаш, гидротехника иншоотларига зарур малакага эга бўлган ходимлар хизмат кўрсатишини таъминлаш;

гидротехника иншоотларида фавқулодда вазиятларнинг юзага келиш хавфини энг кўп даражада камайтириш бўйича тадбирлар мажмуини олдиндан ўтказиш.

**9-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фойдаланувчи ташкилотнинг мажбуриятлари**

Гидротехника иншоотидан фойдаланувчи ташкилот қуйидагиларга мажбурдир:

гидротехника иншоотларини қуриш, фойдаланишга топшириш, улардан фойдаланиш, уларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, консервациялаш, фойдаланишдан чиқариш ва тугатишда гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги нормалари ва қоидаларига риоя этилишини таъминлашга;

гидротехника иншоотининг ҳолати, унга табиий ва техноген таъсирлар устидан назоратни (мониторингни) таъминлашга, гидротехника иншооти каскадда ишлашини, хўжалик ва бошқа фаолият натижасида унга бўладиган зарарли таъсирларни, объектлар дарё ўзанида ҳамда гидротехника иншоотидан қуйидаги ва юқоридаги унга туташ ҳудудларда жойлаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда гидротехника иншоотининг хавфсизлигини баҳолашга;

гидротехника иншоотининг хавфсизлиги мезонларини ишлаб чиқишни ва ўз вақтида аниқлашни таъминлашга;

гидротехника иншоотининг ҳолатини назорат қилиш тизимини ривожлантиришга;

гидротехника иншооти хавфсизлигининг пасайиши сабабларини мунтазам таҳлил қилиб бориш ва гидротехника иншоотини техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлишини ва унинг хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек, гидротехника иншооти аварияларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ва бажаришни ўз вақтида амалга оширишга;

гидротехника иншоотининг мунтазам текшириб турилишини таъминлашга;

гидротехника иншоотининг аварияларини тугатиш учун мўлжалланган моддий заҳираларни яратишга;

гидротехника иншоотидан фойдаланишни ташкил этиш ва ходимларнинг малакаси нормаларга ва қоидаларга мувофиқ бўлишини таъминлашга;

гидротехника иншоотларидаги фавқулодда вазиятлар тўғрисида хабар бериш маҳаллий тизимларини доимий шай ҳолатда сақлашга;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда аҳолини гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги масалалари тўғрисида хабардор қилишга;

гидротехника иншооти аварияларининг олдини олиш масалалари бўйича фавқулодда вазиятлар органи билан ҳамкорлик қилишга;

гидротехника иншоотининг аварияси хавфи борлиги ҳақида махсус ваколатли органни, бошқа манфаатдор давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ва сувнинг (тўғоннинг) тийиб туриш босими ёриб ўтишининг бевосита хавфи бўлган тақдирда сув остида қолиш эҳтимоли бўлган зонадаги аҳолини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни дарҳол хабардор қилишга;

махсус ваколатли органга ўз ваколатларини амалга оширишда кўмаклашишга;

гидротехника иншоотидан фойдаланиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни, шунингдек, гидротехника иншооти аварияларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш ишларини молиялашга.

**10-модда. Гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларацияси**

Гидротехника иншоотини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, ундан фойдаланиш, уни фойдаланишдан чиқариш босқичларида, шунингдек, уни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, тиклаш ёхуд консервациялашдан кейин фойдаланувчи ташкилот гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларациясини тузади. Декларацияни тузиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фойдаланувчи ташкилот гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларациясини махсус ваколатли органга тақдим этади. Декларациянинг махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланиши гидротехника иншоотини Кадастрга киритиш ва гидротехника иншоотини қуришга рухсат олиш, фойдаланишга топшириш, ундан фойдаланиш ёки уни фойдаланишдан чиқариш ёхуд реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, тиклаш ёки консервациялаш учун асос бўлади.

**11-модда. Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги декларацияларининг давлат экспертизаси**

Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги декларацияларининг давлат экспертизаси, шу жумладан лойиҳалаштириш босқичидаги давлат экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда ўтказилади.

Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги декларацияларининг давлат экспертизаси гидротехника иншоотларидан фойдаланувчи ташкилотлар ташаббуси билан, шу жумладан улар розилик бермаган тақдирда ҳам, махсус ваколатли органнинг кўрсатмаларига биноан ўтказилади.

Махсус ваколатли орган томонидан давлат экспертизаси хулосаси асосида гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларациясини тасдиқлаш ҳақида, тегишли рухсатнома бериш тўғрисида ёки рухсатнома беришни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилиниши мумкин.

Фойдаланувчи ташкилот махсус ваколатли органнинг қарорига рози бўлмаган тақдирда, қарор юзасидан суд тартибида шикоят қилиш мумкин.

**12-модда. Гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни лицензиялаш**

Гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосида амалга оширилади.

**13-модда. Гидротехника иншоотларини текшириш**

Гидротехника иншоотларини текшириш чоғида гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги нормалари ва қоидаларига риоя этилишини баҳолаш мақсадида фойдаланувчи ташкилотларнинг, шунингдек, гидротехника иншоотларидан фойдаланишда, уларни қуришда, реконструкция қилишда, капитал таъмирлашда, тиклашда ёки консервация қилишда пудрат ташкилотларининг фаолияти устидан назорат амалга оширилади.

**14-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган авария моддий-техника заҳираларини яратиш ва улардан фойдаланиш**

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган авария моддий-техника заҳиралари фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда зарур моддий ресурсларни ошиғич тарзда жалб қилиш мақсадида олдиндан яратилади. Бу заҳираларни яратиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**15-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 20 август.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*

*ҚАРОРИ*

### «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 20 август.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

— маърифий тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғунлиги ва мунтазамлигини, халқчил ва ҳаққонийликка, жамоатчилик фикри ва кучига, барча соҳалардаги соғлом фикрловчи фуқаролар салоҳияти ва ҳаракатига асосланишини таъминлаш.

4. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашига Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари, Кенгашнинг жойлардаги бўлимларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари раҳбарликка сайланганликлари инобатга олинсин.

5. Республика “Маънавият ва маърифат” маркази Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши қарорларини жойларда амалга ошириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирувчи ташкилий гуруҳга айлантирилгани, “Олтин мерос” жамғармаси, “Маънавият” нашриёти, “Тафаккур” ва “Жаҳон адабиёти” журналлари Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳузуридаги ташкилотлар сифатида тасдиқланганидан келиб чиққан ҳолда мазкур ташкилотларнинг низом ҳамда меъёрий ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши тавсия этилсин.

6. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг ҳамда унинг таркибидаги “Маънавият ва маърифат” марказининг жойлардаги бўлимлари тегишли ҳудуд ҳокимликлари биносида жойлаштирилиши белгилаб қўйилсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан тегишли қарор тайёрласин.

8. Ушбу Фармонни амалга оширишни назорат қилиш Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов ва А.Зиё зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3 сентябрь.

## ОҲАНГАРОН КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

**Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида маиший хизмат кўрсатиш йўналишида мутахассислар тайёрлайдиган касб-ҳунар коллежи ўзининг илк ўқувчиларини бағрига олди. Бу ердаги эски ҳунар билим юрти ўрнида қисқа муддатда замонавий билим маскани қуриб битказилди.**

**Эътиборли томони шундаки, 600 ўқувчига мўлжалланган мазкур ўқув даргоҳида маҳаллий ёшлар ўрта маълумот олиш билан бирга радиотелеаппаратура, авточилангарлик, котиба-машинистка, сартарошчилик каби бир неча мутахассисликлар бўйича касб-ҳунар эгаси бўлиб чиқади. Улар танланган касб сир-асрорларини пухта эгаллаш учун бевосита ўқув-ишлаб чиқариш машғулотларида қатнашади.**

**Оҳангарон шаҳар маиший хизмат кўрсатиш коллежининг талабалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Миннатдорлик мактуби йўлладилар.**

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*

*Ислом Каримовга*

## МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Ассалому алайкум азиз ва муҳтарам Президентимиз Ислом ота!

Она Ватанимиз Ўзбекистон халқи мустақилликнинг 8 йиллигини шоду-ҳуррам кутиб олган ушбу қутлуғ кунларда биз, оҳангаронлик ёшлар шаҳримизда қўшалоқ байрамни нишонламоқдамиз. Бугундан бошлаб биз Сизнинг бевосита ташаббусингиз ва раҳбарлигингиз остида қайтадан бунёд этилган замонавий, ёруғ ва шинам, кўркам ва чиройли билим даргоҳида таълим ола бошладик.

Бизларга бундай шароитларни яратиб, ғамхўрликлар кўрсатаётганингиз учун бениҳоя миннатдормиз. Аслида ушбу қурилган коллеж Сизнинг биз каби ёшларга кўрсатаётган меҳру оқибатингиз, умид-ишончингизнинг бир учқунидир, холос. “Ўзбекистонлик барча болалар менинг фарзандларим, улар биздан кўра кучлироқ, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт”, деган сўзларингиз ҳамиша ёдимизда туради. Сиз ўзбекнинг асрий орзусини ушалтирдингиз. Халққа энг олий неъмат — озодлик ва ҳурриятни тақдим этдингиз. Биз каби ёшларга порлоқ истиқбол, нурли ҳаёт, жуда катта имкониятлар яратдингиз.

Қадрли ва меҳрибон Юртбошимиз!

Сизнинг бизни бундай ардоқлашингизга, тарбиялашингизга, меҳрибонлигингизга жавобан фидойи ва ватанпарварлик хислатларингизни ўзимизда, бутун вужудимизда жо қилган ҳолда Сизга ва Ватанимизга содиқ фарзандлар бўлишга ваъда берамиз.

Биз ёшлар жонажон Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини, бағрикенг, меҳмондўст халқини Сиз каби юракдан севишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, асраб-авайлаш, эл юртимиз равнақи йўлида бутун умримизни, керак бўлса жонимизни ҳам аямасликка тайёрмиз. Ватанпарварликни, кучли ва доно бўлишни, янгиликка интилишни, илмга чанқоқликни Сиздек азиз юртбошимиздан ўрганамиз ва аъло баҳоларга ўқиш ҳамда намунали хулқимиз билан ишончингизни оқлашга сўз берамиз. Ўзбекистонимизнинг буюк давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олиши учун билимимиз ва куч-ғайратимизни аямаймиз. Ушбу қурилган коллежнинг ҳар доим кўркам, чиройли бўлишига, биздан сўнг ҳам укаларимиз, сингилларимиз ўқишларини билган ҳолда гард юқтирмай сақлаймиз.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизга мустақил Ўзбекистонимизни дунёга танитишдек тарихий ишларингизда, Ватанимизни ҳар томонлама мустаҳкамлашингизда, халқимиз асрий орзу-умидларини рўёбга чиқаришингизда катта муваффақиятлар тилаймиз. Бу йўлда биз ёшлар ҳамиша Сизнинг қўш қанотингиз ва мададкорингиз бўлишга ваъда берамиз. Шиддатингиз ҳеч қачон сўнмасин, бахтимизга ҳамиша омон бўлинг!

Ҳурмат ва эҳтиром билан,

**Оҳангарон шаҳар маиший хизмат кўрсатиш коллежининг талабалари.**

## ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

***Шу йил август ойида Тожикистон ва Афғонистон ҳудудидан диний экстремистларнинг жиноий тўдалари бостириб кирган Қирғизистон жануби хавфли ва олдиндан айтиб бўлмайдиган воқеалар марказига айланиб қолмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳосига қараганда, бу ерда юз бераётган қуролли тўқнашувлар яқин орада бартараф этилмаса, бу ҳол бутун Фарғона водийси учун жуда катта хавф-хатар туғдириши мумкин.***

Бу хатарли воқеалар 20 август куни бир гуруҳ қуролланган жангарилар Тожикистон томонидан Қирғизистон чегарасини кесиб ўтиб, Ўш вилояти Боткент туманининг Хўжа-Ачған ва Зардоли қишлоқларига кириб келишидан бошланди. Бошқа бир гуруҳ туман марказидан тахминан 150 километр узоқликда жойлашган Олтин Жайлов қўрғонига ҳужум қилди. Улар бу қишлоқларда истиқомат қилувчи 30 оилани ҳамда 4 нафар япониялик геолог ва уларнинг таржимонини гаров сифатида қўлга олди. Бундан олдин Қирғизистон Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар қўмондони А.Шамкеев ҳамда унинг кузатувчиси бўлган аскар асирга олинган эди.

Улар август ойининг ўртасида Зардоли қишлоғида маҳаллий аҳоли ва ҳарбийлардан бир қанча кишини гаровга олган эди.

Қирғизистон матбуоти берган маълумотларга қараганда, ўша пайтда гаровга олинганларни озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда 50 минг доллар эвазига қутқариш имкони бўлган. Бошқа маълумотларга қараганда, бу миқдор 200 минг долларга етади. Операция давомида Ўзбекистоннинг ҳарбий самолётлари жангарилар жойлашиши мумкин бўлган жойларни бомбардимон қилган, шундан сўнг жиноятчилар Қирғизистон ҳудудидан чиқиб кетган.

Бироқ бир неча кундан сўнг улар яна қайтиб келишган. Бунинг устига, янада кучлироқ гуруҳ бўлиб қайтиб келиб, Ўш вилоятининг Чўн-Олой туманига бостириб кирган. Турли маълумотларга қараганда, жиноятчилар гуруҳи 750 дан 1 минг кишигача етади. Улар орасида кўпгина хорижликлар, жумладан Афғонистон ва бошқа мамлакатлардаги лагерларда махсус тайёргарлик кўрган афғонлар, пуштун ва араблар бор. Қочқинларнинг гапига қараганда, ҳар бир жангари яхши қуролланган ҳамда қирқ килограммгача ўқ-дорига эга бўлиб, уларни доимо ёнида олиб юради, кўпчилик жангари йўлдош алоқалик уяли телефонга эга. Қирғизистон ҳарбий бўлинмалари билан жангарилар ўртасидаги тўқнашувлар жангариларнинг яхши қуроллангани ҳамда тоғлик жойларда жанг қилиш борасида катта тажрибага эга эканини кўрсатди.

Қирғизистон оммавий ахборот воситалари эълон қилган маълумотларга қараганда, жангарилар ҳужум қилиши биланоқ Қирғизистон Миллий хавфсизлик вазирлиги бошқармаси ходимлари бир гуруҳ журналистлар билан учрашган. Улар 1996 йилдаёқ ҳукумат ва Президентни Тожикистон билан чегарадош туманларда мана шундай вазият юзага келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирганини айтган. Махфий хизмат маълумотлари асосида улар ислом ақидапарастларининг турли йўллар билан Фарғона водийсидаги уч давлат — Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистонни бир-бирига қарши қўйиш ҳаракатини олдиндан айтиб берган эди. Бу ҳаракатдан мақсад — Қирғизистон ҳудудида зиддиятни вужудга келтириб, сўнгра уни бошқа чегарадош давлатлар ҳудудига кўчириб, у ердаги ҳукуматларни ағдариб, минтақада ўзига хос халифот тузумини эълон қилишдан иборат эди. Бу вазифани бажариш учун жангарилар гуруҳи мунтазам равишда диний ташкилотлар ва айрим давлатлардан етарли даражада моддий таъминот олиб турган.

Қирғизистон махсус хизматлари вакилларининг фикрича, чегаранинг бундай босиб ўтилиши ва кишиларнинг гаровга олиниши жўнгина синов бўлиб, Қирғизистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жанговар тайёргарлиги, уларнинг Ўзбекистон ва Тожикистонлик ҳамкасблари билан ўзаро ҳамкорлиги даражасини текшириб кўришдан иборат. Кейинчалик, бундай “синов юришлари”дан сўнг бошқа кучли ҳаракатлар бошланиши мумкин. Қирғизистон разведкаси маълумотларига қараганда, бу мақсад учун Лайлакдан тортиб Ўшгача бўлган Қирғизистон-Тожикистон чегарасидаги тоғларда 100 дан ортиқ ислом жангарилари жойлаштирилган.

Хорижий кузатувчиларнинг таъкидлашига қараганда, дастлабки пайтда Қирғизистон томонидан жиноий тўдаларга ҳеч ким қаршилик кўрсатмаган. Қирғизистон Мудофаа ва Миллий хавфсизлик вазирликлари ўз вақтида етарли чора-тадбирлар кўрмаган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бу омил жангариларнинг Қирғизистон жанубида бу қадар очиқ ва сурбетларча ҳаракат қилишига йўл қўйиб берган.

Ўш вилоятининг Чўн-Олой туманида пайдо бўлган қуролланган жангарилар бошқа кишиларни ҳам гаровга олиб, қишлоқлардан биридаги қишлоқ маъмурияти биноси устида яшил байроқ тиккан. Кўриниб турибдики, уларнинг бу ҳаракатлари одатдаги безориликка унча ўхшамайди.

Бир гуруҳ экспертлар, жумладан ҳарбий экспертлар ҳам Қирғизистоннинг жанубий чегарасидаги аҳволни деярли ҳалокатли деб ҳисобламоқда. Экстремистларга қарши кураш бўйича энг билимдон мутахассислардан бири ҳисобланган, Қирғизистоннинг собиқ хавфсизлик вазири Феликс Куловнинг фикрига қараганда, Қирғизистон жуда хавфли воқеалар гирдобига тушиб қолмоқда.

Ҳозирги пайтда Қирғизистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасидаги чегаранинг асосий қисми ёпилган. Жиноятчи тўдалар ўтиши мумкин бўлган барча йўллар ва кўприклар портлатилган. Жиноятчиларнинг қуршов доирасидан қочиб чиқишига йўл қўймаслик учун ҳамма жойда қатъий ҳаракат тартиби ўрнатилган.

Қирғизистон жанубида ҳарбий ҳаракатларда тажрибаси бор ҳарбий хизматчиларни хизматга сафарбар қилиш давом этмоқда. Бундан ташқари, “афғон” жангчиларидан иборат ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядлари тузилмоқда. Ҳозирги пайтда “афғон” жангчилари бўлинмалари Ўш вилоятидаги йирик объектларни қўриқламоқда. Вилоятда шунингдек, зарур ҳарбий ҳаракатларга тайёр овчилар, ўрмончилар ва аскарлардан иборат кўнгиллилар отряди ҳам тузилган.

Қирғизистоннинг “Кабар” ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, ғайриқонуний жиноятчилар тўдасини йўқ қилиб ташлаш бўйича операция ўтказилган жойлардан бирида террорчиларнинг ҳарбий ҳаракат қўлланмаси топилган. Бу ҳақда Боткент туманидаги бирлашган қўшинлар қўмондони, генерал-лейтенант А.Чўтбоев хабар берган. Унинг гапига қараганда, Покистонда ишлаб чиқарилган дафтарда тактик ҳаракатларнинг турли хиллари баён этилган, қуроллар рўйхати, улардан фойдаланиш йўллари, шунингдек, тоғли жойларда жанг қилиш усуллари ёзилган.

Ўш вилояти Ички ишлар бошқармаси ходимлари жангарилар тўқнашувларининг биридан сўнг қолдириб кетган махсус алоқа воситаларини қўлга киритди. Қирғизистон махсус хизматларининг фикрича, хорижда ишлаб чиқарилган бу жиҳоз жиноятчи тўдаларнинг халқаро ислом экстремизми билан қалин алоқасидан далолат беради.

Қирғизистон Жогорку Кенеши халқ вакиллари йиғини раиси А.Эркебаевнинг яқинда эълон қилинган баёнотида Ўш вилоятининг Боткент ва Чўн-Олой туманларида фожеали воқеалар юз бераётгани, бу воқеалар Марказий Осиёдаги вазиятни издан чиқариш ва минтақада ислом теократик давлати ўрнатишга интилаётган экстремистлар ҳаракатининг натижаси экани тўғрисида гапирилади.

Бироқ, Қирғизистон парламенти вакили таъкидлаганидек, террорчиларнинг барча ҳаракати мағлубият билан якунланади. Чунки Қирғизистоннинг қўшнилари ва стратегик иттифоқчилари бўлмиш Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Россия бу республика учун оғир бўлган ҳозирги пайтда ёрдам қўлини чўзиб, террорчиларга қарши ягона фронт бўлиб курашга киришган.

**ЎзА — “Жаҳон”.**

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ:

# БОБОЛАРДАН МЕРОС БУ ҚАДИМ МАКОН

## ОҚҚАН ДАРЁ...

Ҳаётий янгиланишларга эш бўлиб, фахру ғурур билан эркин яшашга аллақачон одатландик. Мустақиллик руҳияти тану жонимизга сингди. Бугун хоразмликлар сиз билан истиқлол шарофатлари ҳақида кўзлари чақнаб, юзлари яшнаб узоқ гурунглашишлари мумкин.

Ахир нега ёзилишиб гурунг қилишмасин, жонкуярлик ва манфаатдорлик билан баҳсга киришишмасин?! Чунки ислоҳотлар уларнинг ҳам бутун ҳаётига, кундалик турмушига, фикру ўйи, нигоҳига ўзлик, янгича мазмун ва моҳият бахш этди. Ишонч ва умид, эътиқод ва иймон қалбларининг зийнатларига айланди. Ифтихорлари учун беҳисоб манбалар барпо бўлди. Уларга бир назар ташлаб, ҳам воҳа аҳлининг кўтаринки кайфиятлари, шавқу завқи боисларини тушунса, ҳис қилса бўлади.

Бугун вилоятда 34 километрлик узунликдаги йўлдан троллейбуслар қатнаб турибди. Урганч аэропортига «ИЛ-86» самолётлари қўнганига кўп вақт бўлди. Аэропорт жаҳон андозаларига мос равишда кенгайишда давом этмоқда.

Юрак деган «жонивор» ҳеч қачон Хоразмда операция қилинган эмас эди. Юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилидан маҳаллий мутахассислар вилоят шифохонасида бутун Оролбўйи минтақаси учун ҳам муҳим аҳамиятта эга бўлган Кардиохирургия бўлимини ташкил этишга бел боғлашди. Чораси топилди. Вилоятнинг ўз имкониятлари ҳисобига, хориждан 2 миллион долларлик тиббиёт техникаси олиб келиндию, юрак операция қилиш йўлга қўйилди. Қўли гул жарроҳлар эса маҳаллий шифокорлар орасидан етишиб чиқди.

Бутун умри педагогика институтида ўтган бир олим алам билан «Хоразмда ҳам университет, майли Академияни айтмайин, очилганини кўрсам армоним йўқ эди», деган эди. Бутун воҳа аҳлининг дилидаги ниятлари акс этган бу илтижолар худога етган экан. Мустақиллик Ҳазрати Хизр сингари мўъжизалар қилди.

Бугун вилоятда нафақат 30 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрловчи ёки илмий тадқиқотлар олиб борилувчи университет муҳайё. Маъмун акедемиясига нима дейсиз?! Бугун бу илм кошонасидан нафақат фан намояндаларининг, балки изланувчан ёшларнинг ҳам оёғи узилмайди.

Кекса олим ўз муродига етган кунда қувончдан кўзига дув-дув ёш олган эди. Унга нафақат университет ва академияни кўриш, балки уларда ишлаш бахти ҳам насиб қилди.

Олим эмас, қаламкаш эмас, оддий соҳибкор — боғбон қўшкўпирлик Раҳимберган Нуруллаевнинг «Улуғ ота-боболаримиз шу қадар кўпки, ҳар куни улардан бирининг юбилейини ўтказсак ҳам бўлади. Аммо кўп вақт шу ҳақиқатдан бехабар юрдик», деган сўзлари қулоғимда қолган.

Дарҳақиқат, Хоразм Замахшарийни мустақилликдан сўнг қайта таниди. Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Феруз ҳақидаги хира тасаввурлар ўрнини чинакам тарихий билимлар эгаллади. Бунга қадимий воҳада нишонланган ва ўтказишга қизғин тараддуд кўрилаётган қутлуғ юбилейлар, табаррук саналар гувоҳ.

Хоразмлик деҳқонларнинг ҳам бугун кўкрагига шамол теккан. Фақат далани, ҳосилни ўйлайвериш, пахта йиғим-теримини янги йилга олиб бориб тақаш уларга энди одат эмас. Тўғри, у ҳозир ҳам меҳнатни кам қилмайди. Лекин бугунги иш мутлақо бошқача. У доим ўз манфаатдорлигини, меҳнатлари сувдаги хас каби оқиб кетмаслигини билиб, сезиб, аниқ ҳисоб-китоблар юритиб фаолият кўрсатади. Шу сабабли ҳам қарийб икки-уч йил ичида буғдой ҳосилдорлиги гектарига 22 центнердан 60 центнергача кўтарилди.

Шартнома режаларидан зиёд ҳамда томорқаларда етиштирилган ҳосил эса деҳқонларнинг хонадонларида ғамланди. У нафақат ўзларини тўла таъминлашга, балки эҳтиёждан ортиғини сотиш учун ҳам етиб ортади.

Вилоят шоликорлари, пиллакорларининг лафзи бутунлиги ҳақида ҳам алоҳида тўхталса бўлади. Улар ҳар йили шартнома режаларинигина ошириб уддалаш тўғрисида эмас, балки мўл-кўл ҳосил олиб, ўзларининг, ўз хўжаликлари, туманлари ва бутун вилоят иқтисодини мустаҳкамлаш тўғрисида ҳам дилдан қайғурмоқдалар. Ахир ўсиш-униш, юксалиш йўли шу!

Бугунги кунда вилоятнинг 100 минг гектар пахтазорларида ҳосил чўғи баланд. Йиғим-теримга ҳозирлик эса қизғин. Гектарига 30 центнерлик, жами 300 минг тонналик хирмон уларнинг эзгу орзусидир.

94693 деҳқон, 1283 фермер, 31 ширкат хўжаликлари вилоятда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар маҳсули сифатида дунёга келди. Деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонларининг ўзигина 33 минг гектардан зиёд. 48 та «КЕЙС«, 24 та «КЛАСС», 28 та «НЬЮ ХОЛЛАНД», 12 та «ЯНМАР» замонавий техника воситалари қишлоқ хўжалиги ходимлари мушкулини осон қилмоқда.

Бугун хоразмликлар Хазораспдаги шакар заводи, «Гурлан» ҳиссадорлик жамияти, Боғотдаги «Хива», «Хонқашуя» сингари ўнлаб корхоналарнинг истиқболига катта ишонч ва умид билан қарамоқдалар.

Мустақиллик байрами арафасида Урганчдаги «Даритал» қўшма корхонаси ҳам ўзининг кенг фаолиятини бошлади. Унда йилига 810 минг жуфт замонавий пойафзал тайёрланади.

Яна бир янгиланиш. Вилоят алоқа тизимининг оптик толали, замонавий иш услубларига ўтганлигини ҳам таъкидламай бўлмайди. Ахир бугун вилоят фуқаросининг овози Америкага ҳам етиб турибди.

Оққан дарё оқмасдан қолмайди. Азалдан илм-фан, маънавият ва маърифат, юксак иқтисодиёт, халқ хўжалиги устувор бўлган Хоразм мустақилликнинг улуғвор шарофатлари туфайли яна юксалишга юз тутди. Ота-боболаримиз ибораси билан айтганда, «дарё оқа бошлади». Унинг мавжлари кўрган кўзни қувонтириши асло муболаға эмас.



## МИНОРАДАН ДУНЁ КЎРИНАДИ

Хўжа Минор — Ичон қалъанинг кўрки, у аждодларимиз меъморчилик санъатининг ўлмас дурдонаси сифатида қад ростлаб турибди.



Хўжа минорнинг ичидаги айланма зиналардан 57 метр баландликка кўтарилган хорижлик бир сайёҳ ҳайрат билан ҳазил аралаш «Минорадан дунё кўринар экан!», деб хитоб қилган экан.

Бугун Ватанимизнинг улуғлигини, халқимизнинг беназир қадриятларини, жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо улушини ким эътироф этмаяпти! Ким унинг бетакрор миллий санъат ва маданиятига тан бермаяпти!

Минора устида туриб сайёҳ кўрган дунё халқимизнинг маънавият, руҳият, илму ижод дунёси бўлса не ажаб? Уни яна қайси бир жойда бир ерга йиғиб, кафтдагидек кўрса бўлади? Қолаверса, меҳмон Ичон қалъада дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган сайёҳларни кўриб, шу хулосага келган бўлса, буни хато дейиш мумкинми?

Мустақиллик туфайли Хивадаги тарихий обидаларга қайта жон кирди. Ўтган саккиз йил мобайнида бу ерда 40 дан зиёд ёдгорлик қайта таъмирланди. Хўжа Минорнинг ичидаги зиналарга ҳам қадам қўйиш мумкин бўлди.

Ҳукуматимиз қарори билан Хива шаҳрининг 2500 йиллиги кенг байрам қилинганлиги, ЮНЕСКО томонидан Парижда нишонланганлиги тарих саҳифаларига битилди.

80-йилларнинг охирларида Хива хонларининг ёзги ва қишки қароргоҳлари бўлмиш Қибла Тозабоғ ҳамда Орқа Тозабоғ ёдгорлик — мажмуалари, Ферузнинг қабри деярли харобa ҳолига келиб қолган эди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан Дешон қалъадаги барча ёдгорликлар муҳофазага олиниб, таъмирлашга киришилди.

Қибла Тозабоғ ва Орқа Тозабоғ, Ферузнинг қабри жойлашган Саид Моҳи Рўйи жаҳон ёдгорлик мажмуалари эса халқимизнинг зиёратгоҳларига айлантирилди.

Бугунги Хива ҳақида қадимий ва навқирон, деган ибора тез-тез ишлатилиб турилади. Чунки тарихий либосдаги шаҳар бугунги куннинг жуда муҳим ва ҳаётий вазифаларини изчил ҳал этиб, муваффақиятларини кўпайтириб бормоқда. Хиваликларнинг азму қарор ҳамда шижоатлари ҳам қадимий миноралару гумбазларнинг бардоши матонатига монанддай туюлади.

Хивага тўймай боқиб шундай сўзларни такрорлайман: Мустақиллик офтоби остида мудом ҳайрат ва ҳавас манбаи бўлавер, онашаҳрим. Минораларингдан юртимизнинг, халқимизнинг дунёлари доим кўриниб тураверсин.

**Эркин МАДРАҲИМОВ,**
**шоир.**

## ДЎСТ БОШГА, ДУШМАН ОЁҚҚА...

«Дўст бошга, душман оёққа қарайди» деган гап бор. Бунинг маъносини ҳар ким ҳар хил шарҳлайди. Биз пойафзалчилар эса, халқимизни чиройли ва бежирим оёқ кийимлар билан таъминлашимиз лозим, деб тушунамиз. Шу ишдан кўп вақтдан буён кўнглимиз тўлмаганлигини ҳам бугун очиқ айтсак бўлади. Вилоятимиз пойафзал фабрикасида илгари ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳеч кимни қаноатлантирмасди.

Мана, ниҳоят корхонамиз қутлуғ байрам арафасида фойдаланишга топширилди. У сифатли пойафзал ишлаб чиқариш қувватига эга. Гап қувватда ҳам эмас. Балки биз ҳозир ишлаб чиқараётган туфлилар «оёққа қараганда» юракни бир «жизиллатиб» олишга қодирлигида. Яъни улар кийган кишининг салобатига салобат, ишончига ишонч қўша олади. Кунида 1000 жуфт маҳсулот чиқарилади.

Бугунги кунгача пойафзалларнинг етти бичимини тўла ўзлаштириб олдик. Келгусида яна 120 хил турли моделдаги туфлилар ишлаб чиқаришни жорий этиш ниятидамиз.

Албатта, фақат эркаклар туфлиларини тайёрлаш билангина чекланиб қолмаймиз. Чунки оёқ кийимларга кўпроқ эҳтиёжманд аёллар эканлигини унутмаймиз. «Аёллар йили» муносабати билан ҳам шу ҳақда кўпроқ ўйлаяпмиз. Келгусида корхонамизда хотин-қизлар учун кўплаб моделлардаги туфлилар, этиклар тайёрлаш ниятидамиз.

Хоразмда уста-косиблар, халқ ҳунармандлари доим кўп бўлган. Бугун ҳам уларнинг сони кам эмас. Корхонамизнинг ишга тушиши овозаси кетиши билан, воҳанинг барча бурчакларидан пойафзалчиликка ихлос қўйган ёшлар оқиб кела бошлади. Бугунгача улардан 90 нафари цехларимизда иш билан таъминланди.

Ишлаб чиқарган маҳсулотларимизда қадимий воҳага хос жилолар бўлиши учун ҳам изланаяпмиз. Бунинг натижасида туфлиларимиз кичик нақш элементлари билан безатилди.

Касбимиздан, иш ўрнимиздан жуда мамнунмиз. Чунки замонавий техника воситалари билан ишлаш мушкул эмас. Иш маошларини ўз вақтида олиб турибмиз. Элдошларимиз биз тайёрлаётган маҳсулотларни иккиланмай сотиб олаётганликлари, ишимиздан кўнгли тўлаётганлиги ҳам бизларни хурсанд қилади.

Ишхонага фахр ва иштиёқ билан кириб борар эканман, истиқлол саодатларига шукрона айтаман. Ахир у бўлмаса менга ким чет эл техникасини ишониб топшириб қўяр эди. Биз каби пойафзалчилар шиппагу калиш тайёрлашдан нарига ўта олармиди?

**Гавҳар ЖУМАНОВА,**
**«Даритал» қўшма корхонаси муҳандис-иқтисодчиси.**

**Материалларни «Халқ сўзи» мухбирлари Сатим АВАЗ ва Фурқат САНАЕВ тайёрлади.**

*• 3 миллион 408 минг кв.метр замонавий турар жой қад кўтарди.*

*• 47 минг 167 ўринли умумтаълим мактаблари, 860 ўринли шифохона, 23 та теннис кортлари бунёд этилди.*

*• Айни пайтда вилоятда шакар заводи, «Алоқа-ДЭУ», «Хива» каби кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.*

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

*• Президентимизнинг 1997 йил ноябрь ойидаги Фармонига биноан Хивада Хоразм Маъмун академияси қайта ташкил этилди.*

*• Бугунги кунда вилоятда жами 10286 та корхона самарали фаолият кўрсатмоқда.*

*• Шу йилнинг май ойида Вазирлар Маҳкамасининг "1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.*

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ:

# ИСТИҚЛОЛДАН НУРЛАНГАН ВОҲА

## ШУНДАЙ ИНЖУКИ...

Яқин орада Қаршида ёки шаҳри Кешда бўлганмисиз? Оқсарой, унинг олдидаги Амир Темур ҳазратларининг улуғвор ҳайкалини томоша қилганмисиз? Шунда хаёлингиздан Соҳибқироннинг «Кимки бизнинг шон-шуҳратимизни билмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга боқсин» деган сўзлари ўтмаганми? Бу гапларни бежизга айтаётганимиз йўқ. Ўтган саккиз йилда Қашқадарё қиёфаси кескин ўзгарди. Мана, сизга оддий бир мисол. Мустақиллик эълон қилинган йили ёқ воҳанинг энг олис ва тоғли ҳудудида жойлашган Деҳқонобод туманига табиий газ магистрали тортиб борилди. Ахир 70 йил мобайнида шу иш бўлмаганди-ку. Йўқса, Қашқадарёнинг гази то Уралгача олиб кетилганди. Айтиш лозимки, айни пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган табиий газнинг 98 фоизи Қашқадарё ҳиссасига тўғри келмоқда. Шунга монанд равишда вилоятда газлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Бу иш фақат Истиқлол йилларидагина давлат миқёсида махсус дастур асосида бажарилмоқда. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳам худди шу йўсинда амалга оширилаётир. Бу эса аҳолисининг 70 фоизи қишлоқларда истиқомат қилувчи Қашқадарё учун катта аҳамиятга эга. Табиий газ кириб борган хонадонларда шаҳардаги каби қулайликлар яратилмоқда. Айтиш керакки, сўнгги пайтда Қашқадарёда қурилиш-ободончилик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. Туманлар бир-бирига теракзорлар, дарахтзорлар билан боғланиб кетмоқда. Бу нимадан? Бу — озод юртни обод кўриш истагидан.

Умуман олганда, Қашқадарёда қад ростлаган Кўкдумалоқ газ мажмуи, айни пайтда қурилиши давом этаётган Шўртан газ-кимё мажмуи каби йирик иншоотлар ҳар қадамда, ҳар лаҳзада кишиларга мустақиллик қандай улуғ неъмат эканлигини, озод ва ҳур инсон нималарга қодир эканлигини эслатиб турибди. Бундай иншоотлар, кошоналар эса воҳада кўп. Шунинг учун ҳам сўнгги бир йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,4 фоизга, халқ истеъмоли товарлари тайёрлаш 15,7 фоизга ўсди. Шу йилнинг 6 ойи мобайнида 944,5 минг АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояси жалб этилди. Айни пайтда вилоятда 830 ўрта, 1482 та кичик корхона, 35 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. 6 ойда улар томонидан 11 миллион 935 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Биргина «Мевалар камалаги» қўшма корхонасининг ўзи 1998 йилда 1 миллион 164 минг АҚШ доллари қийматида четга маҳсулот экспорт қилди. Қаршидаги «Ўзбек-Сингапур», Китобдаги «Қашқадарёмармар» очиқ ҳиссадорлик жамияти маҳсулотлари ҳам четда шуҳрат топмоқда.

Энг асосийси, Қашқадарё ғаллакорлари дон мустақиллигини таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Масалан, шу йилнинг ўзида 500 минг тонна дон тайёрланди, унинг 352 минг тоннаси давлатга сотилди. Касбилик ижарачи Ғайбулло Раҳмоновга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиши қашқадарёлик деҳқонлар меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Воҳа пахтакорларининг мўлжали 500 минг тонна. Албатта, қачондир бу маррага эришилади. Бу йил эса 420 минг тонналик хирмон албатта барпо этилади. Чунки қишлоқ хўжалиги ислоҳ қилинмоқда. Жумладан, 86 хўжалик пай усулига ўтди. Умуман сўнгги пайтда қабул қилинган қонунлар қишлоқда изчил ҳаётга татбиқ этилаётир. Фермерлар, тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришда ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

Азалда Қарши-Насаф Ўрта Осиёдаги 4 та ҳадисшунослик марказларидан бири бўлган. Шаҳрисабз эса «илму адаб қуббаси» сифатида шуҳрат топган. Энг асосийси, Қашқа заминида Амир Темур ҳазратлари камол топган. Бундан ҳар бир қашқадарёлик фахр қилади, ифтихор туяди. Фақат шу эмас. Ҳар бир қашқадарёлик Ўзбекистон Президенти айнан бизнинг воҳамизда ишлагани, ҳамфикр, ҳамқадам бўлганлиги билан ғурурланади.

Шу кунларда воҳадаги ҳар бир гўшада, ҳар бир меҳнат жамоасида байрам кайфияти. Қайси туманга борманг, қандайдир иншоотни фойдаланишга топширилганлиги устидан чиқасиз. Қарши шаҳрини-ку қўяверинг. Айниқса, унинг Эски шаҳар қисми бутунлай қайта қурилмоқда. Бунинг ҳаммаси Юртбошимизнинг йўл-йўриқлари, кўрсатмалари, тавсиялари асосида бўлмоқда. Бу тинчлик, осойишталик қарор топган жойдагина яратувчилик ишлари авж олишининг яна бир исботидир.

Энди гап Мустақиллик берган ана шу ҳаёт қадрига етишда. Сўзимизнинг бошида бежизга Оқсаройни, унинг ёнида қад ростлаган Амир Темур ҳайкалини ёдга олмадик. Тарихимизнинг азиз ва мўътабар ёдгорлиги бўлган Оқсарой ҳам мустамлакачилар тажовузининг қурбони бўлган. Мустабид босқинчилар бизни буюк бобокалонимиздан, бой ўтмишимиздан айирганлар, халқимизнинг ғururини ерга урмоқчи бўлганлар. Ҳайриятки, Мустақилликка эришдик. Ҳаммаси яна ўз ўрнини топди. Олмослар силсиласида ажиб бир инжу бўлган Қашқадарё ана шу боис ўзининг янги-янги қирраларини кашф этмоқда.



## БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

- 250000 квадрат метр уй-жой
- 1122 ўринли мактаб 6350 ўринли қайта таъмирланган касб-ҳунар коллежи ва академик лицей.
- 350 та қишлоқ врачлик пункти
- 90 ўринли шифохона
- 1000 ўринли теннис корти
- 100 километр газ қувури
- 34 километр водопровод тармоғи
- Қарши шаҳрида «Сайилгоҳ» мажмуи
- Умуман, байрам арафасида вилоятда 39 та объект фойдаланишга топширилди.

## ИМКОНИЯТ УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Китоб тоғларидаги Томчи ота, Совуқбулоқ, Макрид, Бирқунлик, Зарбанд, Искана, Жовуз конларидан олинган аъло сифатли, турфа рангдор мармар плиталарга аввал ҳам эҳтиёж катта эди. Лекин уларни ўзимиз тайёрлаб меъморий иншоотларга ишлатолмас, бунга Москванинг рухсати керак эди. Мустақилликдан сўнг ихтиёр ўзимизга тегди. Уни қанча ва қандай ишлаб чиқариш ҳам ўзимизга боғлиқ бўлиб қолди.

Хўш, ишни эскирган технология бўйича давом эттиришдан маъни борми? Ана шу савол олдимизда кўндаланг бўлиб қолди. Шундан сўнг жаҳондаги мармарсозлик тажрибаси билан қизиқдик. Италиянинг «Рауворой Лимитед» фирмасининг тошни қайташ ишлаш линияси бизга маъқул тушди. Чунки уларда тошларни исталган қалинликда кесиш, муайян ўлчовда бўлаклаш, силлиқлаш, пардозлаш, шакл бериш мумкин экан. Мазкур линияга харидор бўлиб, шартнома туздик. Лойиҳани амалга ошириш учун 2 миллион 179 минг 720 АҚШ доллари сарфланди. Айни пайтда маҳсулотимизга талаб катта. Бироқ, биз маҳсулотимизни хорижга экспорт қилиш ҳаракатидамиз. Шу мақсадда яқинда Германиянинг Нюрнберг шаҳрида бўлиб, халқаро кўргазмада қатнашдик. Ҳамкорлар билан шартномалар туздик. Худо хоҳласа, маҳсулотимизга харидорлар янада кўпаяди.

Ҳозир корхонамиз бир йилда сифатли, халқаро андозаларга мос 60 минг квадрат метр мармар плита ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳар йили 3 минг метр куб харсангни янги технология, янги ускуна бўйича қазиб олиш имконимиз бор.

**Мелик БУРҲОНОВ,**
**«Қашқадарёмармар» очиқ ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси.**

*Мен ғаллакор деҳқонман. Касбимдан фахрланаман. Мустақиллик туфайли янаям деҳқонга яхши бўлди. Ишнинг кўзини билиб ишлаган деҳқоннинг пичоғи мой устида. Мана мен меҳнатим туфайли Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини олдим. Бу нимадан? Бу мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталикдан.*

## ХАЙР-БАРАКА АРИМАЙДИ

Далани ҳайдаш, буғдой экиш, ҳосилни йиғиштириш ўрнига уруш-жанжаллар бўлаётган жойлар озми? Худога шукур, биз тинчмиз, хотиржаммиз, эртадан кўнглимиз тўқ. Орзуларимиз мўл, умидларимиз катта. Бу йил ғалладан 55 центнердан ҳосил олган бўлсак, келаси йил уни 60-70 центнерга етказишни ўйлаймиз. Шу ниятда меҳнат қиламиз. Бир мен эмас. Мамлакатимиздаги ҳар бир инсон шундай фикрда, шундай хаёлда. Мана, бир мисол: яқинда вилоятимиз маркази Қарши шаҳрида «Ғалла байрами» ўтказилди. Илгари шундай байрам бормиди? Бу ҳам Мустақиллик шарофати! Ўзимиз дон экиб, ўзимиз ундан баҳраманд бўлаётирмиз. Бировнинг қўлига қарамаймиз. Ўзиям шундай байрам бўлдики, асти қўяверасиз. Тошкентдан Юлдуз Усмонова келиб, концерт берди. Вилоятдаги донгдор ғаллакорларнинг барига мукофот берилди. «Нексия», «Дамас», «Тико» автомобилларини мукофотга олган ғаллакорларнинг оғзи қулоғига етди ўзиям. Қандини урсин, ҳалоли бўлсин.



Бу йил Қашқадарё вилояти ғаллакорлари 500 минг тоннадан зиёд дон ишлаб чиқардилар. Унинг 352 минг тоннаси шартнома бўйича давлатга сотилди. Ўзимни айтадиган бўлсам, бу йил давлатга 194 тонна дон сотдим. Худо хоҳласа, ҳосил келаси йил бундан ҳам яхши бўлади. Республикамизнинг ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фидойилик билан меҳнат қилиш бизнинг бурчимиз.

**Ғайбулло РАҲМОНОВ,**
**Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Шароф Рашидов номли хўжаликнинг ижарачиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

**Материалларни «Халқ сўзи» мухбирлари Михли САФАРОВ ва Нарзулла РАВШАНОВ тайёрлади.**

*• Деҳқонобод туманига газ магистрали тортиб борилди.*

*• «Қаштекс» тўқимачилик мажмуи барпо этилди.*

*• Шўртан газ конлари бошқармасида совитилган ҳолда пропан олиш қурилмаси қурилди.*

*• Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур майдони барпо этилди, Соҳибқирон ҳайкали ўрнатилди.*

*• Муборак газни қайта ишлаш заводининг ҳар бири 2 миллиард кубометр газни қайта ишловчи 14 ва 15-блоклари ишга туширилди.*

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

*• 4,2 миллиард нефть ва газ ишлаб чиқариладиган Кўкдумалоқ нефть ва газ мажмуи барпо этилди.*

*• Қарши шаҳрида 3 минг ўринли теннис корти қурилди.*

*• Ярим миллиард кубметр маҳсулот берувчи Алан-5 нефть-газ мажмуи ишга туширилди.*

*• Қарши шаҳрида Амир Темур хиёбони барпо этилди.*

*• Йилига 125 минг тонна полиэтилен, 142 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариладиган Шўртан газ-кимё мажмуи қурилиши бошланди.*

# Мустақиллик байрами муборак, азиз юртдошлар!



## «Ўзбек ипаги» уюшмаси

барча юртдошларимизни
ва республикамиз пиллакорларини Ватанимиз истиқлолининг
**8 йиллиги байрами билан қутлайди !**

Мустақилликни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Озод ва ҳур диёримиз биз учун муқаддасдир.

Уюшмамизга қарашли ташкилот ва корхоналар ҳозирги кунда фан ва техника соҳасидаги мавжуд ютуқлардан фойдаланиб, пиллакашлик технологиясини такомиллаштириш орқали юқори сифатли, рақобатбардош ипак ва ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариб, жаҳон бозорига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси миллий ипакчилик саноатини ривожлантириш ва барқарорлаштириш йўлида тинмай меҳнат қилаётган халқимизга тинчлик-тотувлик ва ота-боболаримиз орзу этган истиқлол доимо барқарор бўлишини тилайди.

Юртимиз ҳамиша гўзал, мустақиллиги эса абадий бўлсин.

**«Ўзбек ипаги» уюшмаси**

LL@2108

---

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

**Илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш бўлими**
**1999-2000 ўқув йили учун**

**АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА**

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича:**

**12.00.01**- Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи-**2ўрин;**
**12.00.02**- Давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ: молиявий ҳуқуқ-**2 ўрин;**
**12.00.03**- Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ-**2 ўрин;**
**12.00.06**- Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи; экологик ҳуқуқ-**2 ўрин;**
**12.00.08**- Жиноят ва жазо ҳуқуқи; криминология; аҳлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи-**2 ўрин;**
**12.00.09**- Жиноят жараёни; криминалистика ва тезкор-қидирув ҳуқуқи; суд экспертизаси-**2 ўрин;**

**Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ( сиртқи) аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича:**

**12.00.01**- Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи- **1 ўрин;**
**12.00.02**- Давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ-**1 ўрин;**
**12.00.03**- Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ-**1 ўрин;**
**12.00.06**- Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи; экологик ҳуқуқ-**1 ўрин;**
**12.00.08**- Жиноят ва жазо ҳуқуқи; криминология; аҳлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи-**1 ўрин;**
**12.00.09**- Жиноят жараёни; криминалистика ва тезкор-қидирув ҳуқуқи; суд экспертизаси-**1 ўрин.**

**Докторантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича:**

**12.00.01**- Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи-**1 ўрин;**
**12.00.03**- Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ-**1 ўрин.**

***Ҳужжатлар 1999 йил 25 сентябрдан 1999 йил 25 октябргача қабул қилинади. Ҳужжат топширувчилар танлаган мутахассисликлари бўйича 20 бетдан кам бўлмаган ҳажмда реферат топширишлари лозим. Кириш имтиҳонлари танлаган мутахассислик, Ўзбекистон тарихи, фалсафа, чет тиллари ( инглиз, немис ёки француз) бўйича бўлади.***

*Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35, Илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш бўлими. Телефонлар: 133-45-69; 132-06-02.*

LL@2096

---

SJG

# «СУВЖИҲОЗГАЗ»

**Ўзбек-Хитой қўшма корхонаси**

*Ўзбекистонликларни энг улуғ айём —*

## *Мустақилликнинг 8 йиллиги байрами*

*билан муборакбод этади.*
*Улуғ мақсадлар йўлидаги барча эзгу ишларни қўллаб-қувватлайди.*
*Ўзбекистонни янада гуллаб-яшнашига ўз улушини қўшади.*
*Ва Ўзбекистоннинг табиий заҳиралари ҳамда уй-рўзғор харажатларини тежашда катта ёрдам берадиган, саноат корхоналари, хўжалик, ташкилот ва уй-рўзғор учун қўлланиладиган ҳар хил турдаги*

*газ ўлчагич*



*сув ўлчагич*



*асбобларини харид қилишни таклиф этади. У сизнинг рўзғорингиз ва жамоангиз хазинасига, шубҳасиз, барака киритади.*

**Мурожаат учун тел: 96-26-21.**

LL@2098

# Бакри Инвестиндо МЧЖ ХК
# Ле Меридиен меҳмонхонаси

**Ўзбекистон халқларини**

**Истиқлолнинг саккиз йиллиги айёми билан**

**чин дилдан муборакбод этади.**

**Барчага тинчлик, бахт,**

**сиҳат-саломатлик, фаровонлик,**

**Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий,**

**маданий ривожига улкан зафарлар тилайди.**



*Ле Меридиен Тошкент меҳмонхонаси.*
*«Ўзбекистон Овози» кўчаси, 2.*
*Тел.: 998-71 1363995 1206600.*

Ф/2100

# «ПАХТА-БАНК» — КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ҲАМКОРИ

*Банк ва мижоз*

Ихтисослашган акциядорлик-тижорат «Пахта-банк» кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, республикамизнинг иқтисодий тараққиётига самарали ҳисса қўшиб келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижалари таҳлилига бағишлаб, республика миқёсида ўтказилаётган йиғилишларда давлатимиз раҳбари кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига қайта-қайта тўхталиб, ишлаб чиқаришнинг ушбу соҳалари қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам иқтисодий-сиёсий ислоҳотларнинг муваффақияти гарови эканлигини алоҳида уқтиради. Юртбошининг бу қадар жон куйдириши бежиз эмас. Жаҳондаги энг тараққий этган мамлакатларнинг ҳаммаси, беистисно, аввало, хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини зўр бериб ривожлантириш орқали бугунги даражага эришиб, ўз халқлари турмуш фаровонлигини таъминлашдан ташқари, ривожланаётган давлатларни ҳам иқтисодий қўллаб-қувватлаб, ер юзида умумий тараққиётни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистонда ҳам кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг кескин ривожланишини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб бориш ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг энг мақбул йўлларидан биридир. Шу боис кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, зарур шарт-шароитлар яратиш ва давлат йўли билан уларга амалий ёрдам беришга қаратилган қатор қарорлар эълон қилинди. Жумладан, бундай хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатдор шериги ва ҳамкори бўлган тижорат банклари тизимини жаҳон банклари даражасида шакллантиришга қаратилган қонунлар, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Зеро, замонавий банк тизимига эга бўлмай туриб, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорлик корхоналарини ва умуман, мамлакат иқтисодиётини юксак даражада ривожлантиришга эришиш қийин.

Хусусан, қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантиришга даъват этилган ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта-банк» раҳбарияти ўз зиммасига юклатилган ушбу масъулиятли, аммо шарафли вазифани чуқур ҳис этиб, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга бўлган эътиборини янада кучайтирмоқда. Мақсад давлат қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг тўла куч билан ишлашини таъминлашга амалий кўмаклашиш эди. Бошқача қилиб айтганда, банк ўз маблағларини кичик ва ўрта бизнес корхоналари, хусусий тадбиркорликнинг ривожига йўналтирилиши, мақбул лойиҳаларни молиялаштириш, субъектларга юридик ва аудиторлик хизмати кўрсатиш зарурлигини республикада бу соҳада вужудга келган вазиятнинг ўзи тақазо этаётир.

Лекин, сир эмаски, кейинги пайтларда майда-йирик тадбиркорлар ўз фаолиятларини ривожлантириш учун банклардан кредит олиш масаласида қатор сунъий тўсиқларга, сансалорлик ва ҳатто, таъмагирлик каби иллатларга дуч келаётганлари хусусидаги гап-сўзлар қулоққа чалина бошлаган эди. Бундан бир ой муқаддам Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президент ҳам айрим тижорат банклари фаолиятига эътироз билдириб, улар ишбилармон ва тадбиркорларга манфаатдор шерик ва ҳолис ҳамкор бўлиш ўрнига тўрачиликка, сансалорликка йўл қўяётганликларини куйиниб таъкидлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Пахта-банк» бундай иллатларнинг олдини олиш мақсадида ўзининг бутун тизимида қатор ўзгаришлар қилди, янгиликлар жорий этди. Жумладан, банк таркибида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш билан шуғулланадиган алоҳида бўлим ташкил этилди. У банк тизимида қўлланиладиган энг замонавий техника воситалари, ёш бўлсада, юқори малакали, ҳалол-пок мутахассис кадрлар билан таъминланди. Натижада тадбиркорларнинг кредит сўраб берган аризалари, фаолият юритишлари хусусида тақдим этган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш жараёнлари бир неча баравар тезлашди.

Жорий йил бошидан буён банкнинг хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, ишлаб чиқариш-савдо корхоналаридан иборат мижозлари сони яна 750 га ошди. Йил бошидан эътиборан уларга банкнинг асосан ўз маблағи ҳисобидан 2 миллиард сўмдан ошиқроқ кредит ажратилди.

Мижозларни қўллаб-қувватлаш, уларга янада манфаатли шартларда хизмат кўрсатиш мақсадида банк томонидан кредит беришнинг турли хил мақбул усулларидан фойдаланилмоқда, жумладан, лизинг ва факторинг операциялари амалга оширилиб келинмоқда. Бу усулларнинг муҳим афзаллиги шундаки, мижознинг иши бир зумда битади, фаолияти янада кенгаяди, барқарор тус олади. Айтайлик, бир тадбиркор ўз ишлаб чиқаришини кенгайтирмоқчи. Бунинг учун технология ва энг мақбул лойиҳа ҳам бор. Бироқ маблағ ёхуд техника йўқ. Усиз эса ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Шу пайтда банк ёрдамга келади. Кредит беришни расмийлаштириш билан боғлиқ жараён учун вақт кетказиб ўтирмай, банк лизинг шартномаси асосида мижозга зарур ва қулай бўлган техника ва технологияларни ўз режасини амалга ошириш учун тўлиқ ишлатишга беради. Тадбиркор эса вақт ўтказмай, мақсадини амалга оширишга киришади. Бундай кредитлашнинг ўзига хос моҳияти ёхуд устуворлиги шундаки, мижоз ушбу олинган ускуна-жиҳозларни лизингнинг турли имтиёзларидан фойдаланган ҳолда ўз мулки сифатида ишлатиши мумкин бўлади. Кейинги пайтларда банк томонидан ўнлаб ана шундай лизинг операциялари амалга оширилдики, бундан пировард натижада республика ишлаб чиқаришига, бинобарин, унинг иқтисодиётига сезиларли наф етди.

Шунингдек, ўзаро ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш ва тезлаштириш, дебитор ва кредитор қарзларни камайтириш мақсадида кўп томонлама қулайликларга эга бўлган факторинг операцияларидан самарали фойдаланилмоқда.

Берилаётган кредитларни расмийлаштириш жараёнларини кескин қисқартириш ва соддалаштириш, бу борадаги тўрачилик ва сансалорликларга барҳам бериш республика банк тизими олдига қўйилаётган энг муҳим ва жиддий талаблардан биридир. Бунга жавобан, «Пахта-банк» раҳбарияти тинимсиз изланиб, давр талабига мос янгиликларни жорий этиб бормоқда. Масалан, банкнинг республика вилоятларидаги бошқарма ва бўлимларига хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит бериш ёки бермаслик масаласини мустақил ҳал этиш ваколати берилган. Улар кредит олувчи тақдим этган ҳужжатларни жойида зудлик билан кўриб чиқадилар. Хулосасини банкнинг марказий аппаратида тузилган кредит комиссиясига етказадилар. Рўйхат олингач, кредит олувчининг иши тезда битади. Яна шуниси қулайки, бу ишлар электрон тизими орқали саноқли дақиқаларда ҳал этилади ва кредит сўраб ариза билан мурожаат этган субъект ортиқча овора-ю, сарсон бўлмайди. Бугунги кунда банкнинг вилоят бошқармалари 10 миллион, туман бўлимлари эса 3 миллион сўмгача кредит бериш масаласини ўзлари мустақил ҳал этмоқдалар.

«Пахта-банк» тизимида қатъий одат тусига кирган яна бир омил шуки, кредит маблағларини қонуний расмийлаштириб бериш билан чекланиб қолмай, бу маблағларнинг белгиланган мақсадларга сарфланишини жиддий назорат қилиб боради. Бу билан ажратилаётган кредитларнинг кутилган самарани бериши таъминланмоқда.

Шунингдек, бундай саъй-ҳаракатлар банк мижозлари сафининг барқарор кенгайиб боришига хизмат қилмоқда. Банк ходимлари мижознинг ўзи келишини кутиб ўтирмай, улар ҳузурида тез-тез бўлиб, ишлаб чиқариш фаолиятлари билан танишмоқдалар ва уни янада кенгайтириш, имкони борича кўпроқ соф фойда олиш, бозорни ўрганиш ва таҳлил этиш масалаларида ва бошқа соҳаларда фойдали маслаҳатлари билан ёрдам бермоқдалар. Бу эса банкнинг жойлардаги обрў ва нуфузини янада мустаҳкамламоқда.

— Фермерлик фаолиятини бошлаш учун «Пахта-банк»нинг Бектемир бўлимига мижоз бўлиб тўғри қилган эканман, — дейди деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи Рисолат Турсунова. — Қандай масалада мурожаат қилмай, банк ходимлари бажонудил ёрдам беришади. Биз учун мураккаброқ бўлган масалаларда фойдали маслаҳат ва амалий ёрдамларини аямайдилар. Уларнинг беғараз кўмагига таяниб, чорвачилик ва деҳқончилик фаолиятимни қисқа муддатда йўлга солиб олдим. Экин майдонларимиз тўққиз гектарга етди. Аммо росмана фермер хўжалигига айланишимиз учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бу борада ҳам банк бизга ёрдам қўлини чўзмоқда. 6,5 миллион сўм кредит беришларини сўраб мурожаат қилган эдим. Бу истагимни қондиришди. Натижада асосан чорвачиликка ихтисослашиб, мол туёғи, гўшт ва сут етиштиришни янада кўпайтириш имкониятига эга бўлдим.

«Пахта-банк» хизматидан миннатдор бўлаётган бундай мижозлар оз эмас. Банк раҳбарлари ва мутахассислари тинимсиз излаш-изланишда давом этиб, аввало, мижозлар манфаати, демакки, мамлакатнинг иқтисодий равнақини кўзлаб фаолият юритар экан, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларидан иборат мижозлари сафи тобора кенгайиб бораверади, ҳукумат томонидан зиммасига юклатилган вазифани муваффақиятли адо этиши учун тобора кенг имкониятлар эшиги очилаверади.

**А. ЙЎЛДОШЕВ.**


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

ҳузуридаги Минтақа тил таълими маркази ўқувчиларни олий ўқув юртига кириш учун мақсадли тайёрлов курсларини ташкил қилади. Машғулотлар 1999 йил 5 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун манзилгоҳ:
Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 25,
телефон 136-30-69.

®/2105

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ**

**«ХАЛҚАРО БИЗНЕС МАКТАБИ»**

пулли шартнома асосида қуйидаги мутахассисликлар бўйича тингловчилар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

1. *Менежмент*
2. *Бухгалтерия ва аудит*
3. *Банк иши*
4. *Солиқ ва солиққа тортиш*

Ўқиш кундузги ва кечки бўлимларда олиб борилади. Халқаро бизнес мактабини тугатган талабаларга мутахассислик бўйича сертификат берилади. Аъло баҳоларга битирган талабаларни чет элларга (Малайзия, АҚШ, Германия ва бошқа давлатларга) шартнома асосида ўқишга юборилади. Халқаро бизнес мактабини битирган талабалар давлат корхоналарида, қўшма корхоналарда ва хусусий корхоналарда ишлашлари мумкин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент-29,
Ўзбекистон шоҳкўчаси 15-уй, 20 хона.
Телефонлар: 133-58-53.

LI@2109




Ўзбекистон Республикаси
ҳукуматини ва меҳнаткаш халқини
шонли Мустақилликнинг
8 йиллиги байрами билан
муборакбод этиш бахтига
мушарраф эканимиздан
мамнунлигимизни изҳор
этамиз ва тарихий бу ўлка
ҳаётига тинчлик-фаровонлик,
осойишталик ва барқарорлик
ҳар доимо ёр бўлишига
тилакдошмиз.

DM
DEMIR GROUP




2007

*Шеърият*

## АБАДИЙ ЁҒДУ

*Хоним дейму ё эркам, жоним,*
*Бегим дейму ё дейман бону.*
*Аёл отли буюк жаҳоним,*
*Сен мен учун абадий ёғду.*

*Ойим дейму ёхуд қуёшим,*
*Барча сифат ожиз қаршингда.*
*Сенинг билан кўкдадир бошим,*
*Сен порлайсан кўнгил аршимда.*

*Кўклам ўзинг, кўркам ҳам ўзинг,*
*Бу оламнинг завқу сафоси.*
*Дилга қувват меҳрли сўзинг,*
*Сен оилам нурли самоси.*

*Дейдиларки,*
*Бу олам ичра*
*Қолса ҳамки бир дона аёл,*
*Заргар зоти кундузу кеча*
*Безагингни этармиш хаёл.*

*Сен бўлмасанг*
*бўлмас мўъжиза,*
*Сен бўлмасанг*
*шеърият қайда?*
*Сен бўлмасанг увол мусиқа,*
*Эркак зоти қотгай тўқайда.*

*Тушунгайсан ҳазилни, эркам,*
*Сенсиз яшаш ўзи бир пулдир.*
*«Сенинг бирла чиқишмоқлик ҳам*
*Дағи, жоним, бисёр мушкулдир»*

*Бешик эмас, дунё тебратган*
*Қўлларингни ўпсак бўлур оз.*
*Оёқларинг остида эркан*
*Жаннат деган энг олий Эъзоз.*

*Битта кулгинг — ҳаёт қувончи,*
*Битта ғаминг — жаҳоний андуҳ.*
*Жаҳонларни қамрар қулочинг*
*Оналарда — энг қудратли руҳ...*

*Сочларининг ҳар бир толаси*
*Сомон йўли қадар мунаввар.*
*Бешикдаги жажжи боласи —*
*У — келажак аталмиш гавҳар.*
*Аёл номи қошида дунё*
*Эҳтиром-ла этгайдир таъзим.*

*У ҳаётнинг рамзидир гўё,*
*У ҳаётдай мангу ва азим.*

## КУН ВА ТУН

*Қоронғу кечага чулғаниб ётиб,*
*Зим-зиё борлиқдан изласанг маъно,*
*Дерсанки, оҳ қачон яна тонг отиб,*
*Оламни қуршагай нурафшон сафо.*

*Кун бўйи нур ичра қамашиб кўзинг,*
*Асаблар меҳнатдан толиқса оғир,*
*Яна соғинтирар сени юлдузинг,*
*Кутасан кун қачон бўлмоғин охир.*

*Кун ва тун алмашиб борар шу зайл,*
*Табиат шу машқин асло қўймайди.*
*Инсонда энг улуғ,*
*қудратли майл —*
*Қанча кўп яшаса,*
*шунча тўймайди.*



* * *

*Ўтмишу Бугуну*
*Эртамиз — асли*
*Яхлит Вақт дарёсин*
*манзилларидир.*
*Улар бир борлиқнинг ранг-баранг фасли,*
*Бир достоннинг турфа вазнларидир.*

*«Лип» этиб ўтган жон унда қолажак*
*Абадият мавжи ичра ғарқ бўлиб.*
*Ҳар ким ўз нисбатин албат олажак*
*Яхшию ёмонлик иши фарқ бўлиб.*

* * *

*Қайтмагай ўтган умр,*
*Қайтмагайдир отган ўқ.*
*Яхши-ёмон ўтар бир-бир,*
*Ҳеч ким тўхтаб қолган йўқ.*

*Айланади чархи гардун,*
*Айланур замин, замон.*
*Алмашгайдир кун била тун,*
*Айланур еру осмон.*

*Фақат ишқи олий мангу,*
*Йўқ унинг ниҳояси.*
*Мадҳи сўнмас, доим янги,*
*Сўнгсиздир ҳикояси.*

**Жуманиёз ЖАББОРОВ.**



*Хонқа туманидаги Мадр қишлоғида истиқомат қилувчи Ўринбой Болтабоевни нафақат тумандошлари, балки қўшни тумандагилар ҳам яхши билишади. Боиси у тандирчилик касбини эъзозлаб, эл-юрт хизматини ўтаб келмоқда. Бу ҳунар Ўринбой акага ота-боболаридан мерос.*

*Ота «қўл»ини олган уста айни вақтда бу касбни фарзандларига ҳам ўргатмоқда.*

**СУРАТДА: тандирчи Ўринбой Болтабоев фарзандлари Хушнидбек ва Махсудбеклар билан.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИ УЗМАНГ!

**ИНСОН ҳаёти ва фаолияти кўп қиррали. Уни алоқа воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу воситалар эса кўп машаққатлар билан йиллар давомида бунёд этилади. Уларнинг узилиб, бузилиб қолиши эса катта ташвиш, беҳисоб зарар келтиради.**

**Бу ерда гап эндиликда умумий қилиб телекоммуникация деб аталувчи алоқа иншоотлари ва унинг техник воситалари ҳақида бормоқда. Улар хилма-хил: қисқа ва олис масофаларга, қўшни уй, даштдаги қишлоқ, катта шаҳар ёки узоқ мамлакатга хабар ва ахборот узатиш. Телефон, телеграф, радио, телевидение, почта одамларга хизмат қилади. Алоқа маромида ишлаб турганда, истеъмолчиларни ҳеч нарса ташвишга солмайди. Бироқ у кутилмаганда тўхтаб қолса, беҳисоб йўқотишлар, ортиқча ташвишлар, ҳатто фожиаларга сабаб бўлиши мумкинлигини ҳамма ҳам тасаввур қилавермайди.**

Айтайлик, қандайдир сабаб билан телефон алоқаси узилиб қолди. Бахтга қарши айнан шу пайтда беморнинг аҳволи оғирлашгани ҳақида «Тез ёрдам»га сим қоқиш зарур. Ёки фавқулодда содир бўлган ёнғин, темир йўл станциясига шошилинч юк келгани ҳақида зудлик билан хабар бериш лозим. Бундан ташқари, ўзаро битим тузиш, давлат юмушлари ва бошқа майда-чуйда ишлар юзасидан боғланиб, келишиб олиш керак. Афсуски, алоқа узилган. Тўғри, ҳозир алоқачиларда қўшимча, захира, муқобил дегандек, қатор линиялар мавжуд. Аммо уларни ишга туширгунча анча вақт ўтади. Бу — кераксиз ташвиш, ортиқча сарф-харажат, иқтисодиётга катта зарар, деган гап.

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида истиқомат қилувчи Баҳром исмли фуқаро шахсий уй қураётиб, ер ковлатиш учун механизатор ёллаб, ишлатади. Бироқ зум ўтмай, алоқачилар етиб келишади. Маълум бўлишича, механизатор бирйўла иккита кабелни узиб юборган экан. Баҳром милиция хонасига боришга мажбур бўлади. Чунки содир бўлган ноқонуний иш учун жавоб бериш керак-да!

Шу вилоятнинг Жомбой туманида мол боқиб юрган икки бола — Ш. Пирманов ва А. Аҳмедов магистрал қабелни ковлаб очиб, муфтасини кесиб оладилар. Натижада алоқа минг канал-соатдан ортиқ вақт тўхтаб қолди. Бундан кўрилган катта моддий зарарнинг арзимаган қисмигина ундириб олинди, холос.

Ҳеч қандай рухсатсиз газ қувури ётқизиш учун ҳандақ қазиётган пайвандлаш-монтаж трестининг экскаваторчиси А. Галушкин ҳам эҳтиётсизлик оқибатида алоқани узиб, 200 минг сўмлик зарар етказди. Умуман, биргина Самарқанд вилоятида март-май ойларида уч марта кабель узилганлиги оқибатида алоқа уч минг канал-соат тўхтаб қолди.

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида бульдозерчи О. Мусаев иккита муҳим кабель линиясини узиб юборади. Уларни қайта улаш учун эса 45 минг сўм жарима тўлади.

Урганч шаҳар сув канализацияси корхонаси устаси А. Мадраимов авария-тиклаш ишларини бажараётиб, алоқа улаш линияси кабелини ишдан чиқарди. Алоқани анча муддат тўхтатиб қўйиб, 130 метр узунликдаги кабелни алмаштиришга тўғри келди. Кўриниб турибдики, етказилган моддий зарар ҳам озмунча эмас. Айбдор уни тўлашга мажбур, албатта.

Сирдарё вилоятининг Сардоба тумани ички ишлар бўлими одатдан ташқари жиноий иш бўйича тергов ўтказди. Бир гуруҳ жиноятчилар халқаро магистрал (ТАЕ-ВОЛС)га тегишли оптик толали кабелни узиб кетишди. Бу магистрал йигирмадан зиёд мамлакатдаги миллионлаб абонентларни Шанхай ва Франкфурт-на Майн билан минглаб каналлар орқали боғлаб турарди. Оқ олтин тумани суди Э. Хўжақулов раислигида ушбу жиноий ишни кўриб чиқиб, ҳукм чиқарди. Кўпорувчилик ташкилотчиси Ю. Шокиров 10 йилга, З. Шоимова 6 йилга озодликдан маҳрум этилди. Улар қамоқ муддатини қатъий тартибдаги колонияда ўтайдилар. Ш. Нишонов эса умумий тартибдаги ахлоқ тузатиш колониясида 5 йил қайта тарбияланади. Жиноятчилар бу билан қутулмайдилар — етказилган 1 миллион 400 минг сўмни ҳам тўлаб қўядилар.

Хулоса қилиб айтганда, Сардоба туманидаги ушбу хунук воқеа ҳамма учун катта сабоқ бўлмоғи лозим. Зеро, ҳеч қандай жиноят жазосиз қолмайди.

Алоқа кабелларининг ишдан чиқиш ҳоллари, ҳатто у қисқа муддатга бўлса ҳам, қанча моддий зарар етказишини аниқ ҳисоблаб чиқиш қийин. Абонентларга етказилган маънавий зарарни аниқлаш эса ундан ҳам мушкул. Лекин энг ёмони, алоқа корхоналарининг нуфузига путур етказилаётганидир. Масалан, республикамиздаги асосий кабель магистралларига шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси хизмат кўрсатади. У эса «Халқаро Телеком» акциядорлик компанияси таркибига киради. Унинг хизмат бўлинмалари ва энг малакали мутахассислари ҳамма йўналишларда алоқанинг узлуксиз ва соз ишлашини туну-кун кузатиб борадилар. Узилиш ёки авария содир бўлганлигига оид дастлабки шубҳа пайдо бўлиши билан ўша жойга етиб боришга тайёр турадилар.

Кўчки, сел оқибатида авария юз берса — бу табиий ҳол. Бироқ одамларнинг ўзлари билиб-билмай кабелларни узсалар, алоқани бузсалар — бу ҳаммани ажаблантиради, ғазаблантиради. Ҳолбуки, алоқа корхоналари линия иншоотларини авариялардан асраш учун ҳамма чораларни кўраяптилар: кабель трассалари бўйлаб кўрсаткичлар, ўлчов ёғочлари, огоҳлантирувчи тахтачалар ўрнатилади. Ердан фойдаланувчиларга кабель трассаси ўтган жойларда ишлаш қоидаси тушунтирилади, қурувчиларга, механизаторларга эслатмалар тарқатилади, вақтли матбуотда тегишли ахборотлар эълон қилинади. Бундан ташқари раҳбар ва мутахассислар ер қазиш техникаси бор корхоналарда бўлиб, суҳбатлар ўтказишди.

Шунга қарамай, кабелларни узиш ҳоллари давом этаяпти. Лекин, афсуски, айбдор, қачонки, фақат қанча узунликдаги кабель шикастланган бўлса, шунинг ҳақини тўлаш билан қутилади. Ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: етказилган маънавий зарарчи? Нега энди алоқа корхоналари йўқотган соф фойдани ҳисоб-китоб қилиб, айбдорлардан ундириб олиш керак эмас? Балки бу масалаларни ТПО ҳам, «Халқаро Телеком» ҳам эътиборга олар? Судлар ҳам буни хайрихоҳлик билан қабул қилар? Оқолтин туман суди шундай қилди-ку?

Дарвоқе, бу борада яна бир катта иш қилинди. Республика Ички ишлар вазирлиги, Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ўз кучини йўқотган эски ҳужжатлар ўрнига 1999 йил 24 апрелда «Алоқа линиялари ва телекоммуникация иншоотларини асраш бўйича ички идора бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорлигини янада яхшилаш тўғрисида» махсус буйруқ чиқардилар. Ушбу қўшма ҳужжатда маҳаллий ички ишлар идоралари ва алоқа корхоналарига линия-кабель иншоотлари, тақсимлаш жавони ва қутиси, кучайтириш пунктлари, таксофонлар ҳамда телекоммуникациянинг бошқа ҳаво ва турғун линияларини асрашни таъминлаш хусусида кўрсатмалар берилган. Шунингдек, алоқа линияларини бузиш ва таксофонларни ўғирлаш ҳолларининг олдини олиш, айбдор шахсларни тутиш юклатилган. Кабеллар трассасида ва бошқа алоқа иншоотлари яқинида ноқонуний ишларни амалга ошираётганларга таъсир ўтказиш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Унда, шунингдек, алоқа корхоналари сўзсиз бажариши лозим бўлган тадбирлар рўйхати ҳам кўрсатилган. Жумладан, улар жойлардаги кабель магистраллари трассалари ва таксофонлар ўрнатилган жойларни аниқлаб, ички ишлар идораларига тақдим этишлари, телефон алоқаси қурилмаларига мустаҳкам қулф ва сигнал тизимини ўрнатишлари, алоқа объектига бегоналарнинг киришига йўл қўймасликлари, алоқа иншоотлари мавжуд бўлган ҳудудда хизмат қиладиган ички ишлар ходимлари хонасига телефон ўрнатиб беришлари ва бошқа эҳтиёт чораларини кўришлари лозим. Милиция ходимларига алоқа линиялари ва иншоотларида рухсат этилмаган ишлар билан шуғулланиш ҳоллари аниқланганда, қандай ҳаракат қилишлари кўрсатилган эслатма берилади.

Бир сўз билан айтганда, қўшма ҳужжат телекоммуникация иншоотларини қўриқлашни кучайтириш, қоидабузарларни амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Бироқ телекоммуникация бутун халқ манфаатини кўзлайди. Шу боис нафақат алоқа корхоналари ва ички ишлар идоралари, балки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик ҳам унинг узлуксиз ишлашини таъминлашга фаол жалб этилиши лозим. Ана шунда ҳамма ерда алоқа иншоотларига умуммиллий бойлик, одамлар ўртасидаги зарур алоқа, фавқулодда вазиятларда тез ва малакали ёрдам кўрсатиш воситаси сифатида авайлаб-асраш ва самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан муносабатда бўлинади.

**А. КУДИНОВ.**


**ЖИЗЗАХ, НАВОИЙ, СУРХОНДАРЁ, БУХОРО, ҚАШҚАДАРЁ, ХОРАЗМ ВИЛОЯТЛАРИ ҳамда ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона ва фирмалар ДИҚҚАТИГА!**

**«ТС-ТЕХНОЛОГИЯ»**

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни байрами муносабати билан компьютерлар ва бошқа идорабоп техника нархлари камайтирилганлигини эълон қилади. Компьютер технологияси бозорида иш олиб бораётган корхоналар ва фирмаларни манфаатдорлик асосидаги ҳамкорликка таклиф этамиз.*



*Дилерларга қўшимча чегирмалар қилинади. Тўлов шакли — исталганича.*

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 222.
Тел/факс: 21-32-92, 22-82-57, 22-24-75, 22-09-54.

Ф/2040



**Чилонзор туманида рўйхатга олинган «Минтақалараро ҳамкорликда иш юритиш корпорацияси» тугатилади. ОКПО коди 15347100. Шикоятлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Тел: 773656.**


Реклама ва эълонлар 136-09-25


## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**Ўзбекистон Бадиий Академияси ва Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Бўзсув бўйида ўрнатилажак Мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуасининг бадиий тимсолини яратиш бўйича очиқ танлов эълон қилади.**

*Танловда барча профессионал ва ҳаваскор ижодкорлар, ҳайкалтарошлар иштирок этиши мумкин.*

**Танлов шартлари:**

— Танловда бир ёки бир неча муаллифлар гуруҳи иштирок этиши мумкин.

— Лойиҳаларни яратиш материал ва ўлчамлари чегараланмайди.

— Танловга тақдим этиладиган лойиҳаларни шу йил 20 сентябргача Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 40-уйга топширилиши лозим.

**Танлов ғолиблари учун**

**— битта биринчи — 150 минг сўм**
**— битта иккинчи — 100 минг сўм**
**— битта учинчи — 75 минг сўм мукофот белгиланган.**

Тақдим этилган лойиҳаларни йирик мутахассислардан иборат нуфузли ҳайъат кўриб чиқади.

Танлов мазмуни ва моҳиятини тўлақонли акс эттира олган энг муносиб лойиҳа Тошкент шаҳрида ўрнатиш учун танлаб олинади.

Танловда иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган лойиҳалар вилоятларда бунёд этишга тавсия қилинади.

**Қўшимча маълумот, топосхема ва бошқа зарурий манбаларни олиш учун Тошкент шаҳри Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй ёки А.Навоий кўчаси, 2А га мурожаат қилиш мумкин. Телефонлар: 56-50-47, 41-34-30**

**Ташкилий қўмита.**



## «ЎЗМАШСАВДО» АЖ

**Тошкентдаги омборхонасидан**

*ЗИЛ - 431410 (бортли),*
*ЗИЛ - 431412 (ғилдиракли қисми, шасси),*
*ЗИЛ - 441510 (шатакчи),*
*ЗИЛ - 431610 (юк ташувчи),*

*АЦ - 3307 (ёқилғи ташувчи автомобилларни),*

*"Тожикистон - 3205" автобусини*

**ишлаб чиқарувчиларнинг нархларидан арзонроқ нархда сотади.**

*Сотилаётган автомобиллар ва автобусга ДАН бошқармасида рўйхатга қўйиш учун ҳисоб маълумотномаси (счет-справка) тақдим этилади.*



Манзил: 700059, Тошкент ш., Усмон Носир 1-тор кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 53-62-54, 53-69-17, 53-83-04.

Ф/2042



**Республика «Оила» илмий-амалий маркази**

**ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда 2000 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантурага қабул эълон қилади:**

*13.00.01- Педагогика назарияси ва тарихи*
*19.00.05- Ижтимоий психология ва этнопсихология.*

*Ҳужжатлар 1999 йил 1 октябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади:*

**700027.Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1. Республика «Оила» илмий-амалий маркази. Мурожаат учун телефон: 45-15-59, 45-18-68, 45-90-66.**

2103


Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги Фарғона иссиқлик тармоқлари директори Бахтиёр Қосимовга отаси **Мамасдиқ ота ҚОСИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзмарказимпэкс» ДАТСК жамоаси компаниянинг биринчи даражали мутахассиси Ҳакима Исхаковага отаси **Қодир ИСХАКОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси бош мутахассис Э. Юсуповга волидаи муҳтарамаси **ЖАННАТ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорлиги, лицей дирекцияси, клиника ва жамоат ташкилотлари тиббиёт биологияси ва генетика кафедрасининг доценти, биология фанлари номзоди **Валидахон МАДУМАРОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзкимёсаноат» уюшмаси бошқарувининг жамоаси уюшмага қарашли кимё саноати мутахассисларини малакасини ошириш институти директори Озод Соиповга волидаи муҳтарамалари **АНОРХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши жамғарма раиси Эркин Боқибоевга невараси **ЗОКИРЖОНнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:** Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 0726, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. СУЛАЙМОНОВ.
Навбатчи — А. ЖЎРАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — А. ЭШҚУЛОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 23.00*
1 2 3 4 5 6